

**“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг
2019-2021 йилларга мўлжалланган ривожланиш
СТРАТЕГИЯСИ**

Ушбу хужжат “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг 2019-2021 йиллар давомида **ривожланиш стратегиясини** ҳамда уни амалга ошириш механизмини белгилайди.

Универсал банк хизматларини кўрсатувчи молия институти сифатида бизнес йўналишини кенгайтириш ва молиявий барқарорлигини ошириш механизмини олдиндан белгилаб олиш мақсадида мазкур хужжат ишлаб чиқилди.

2018 йил давомида банк активлари **1 265,0** млрд. сўмга ёки 72 фоизга оширилиб **3 008** млрд. сўмга, шундан кредит қўйилмаси **1 353** млрд. сўмга ёки 105 фоизга оширилиб **2 640** млрд. сўмга етказилди.

Устав капитали **100** млрд. сўмга оширилиб, **694** млрд. сўмга етказилди.

Бироқ бу каби ижобий ўзгаришларга қарамасдан банк республика банк-молия бозорида ҳамон **II гуруҳ банклари** орасида қолмоқда.

Хусусан, активлар, капитал, кредит портфели ҳажми бўйича республика банклари орасида **11-15 ўринларни**, актив ва капитал рентабеллиги бўйича **охирги ўринлардан бирини** эгаллаган.

Ушбу ривожланиш стратегиясида банк фаолиятидаги юқоридаги муаммоларни ҳал этиш, хусусан, актив ва мажбуриятлари, кредит портфели, таваккалчиликларни баҳолаш ва бошқариш, банк ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш билан малакасини ошириш, маркетинг, ахборот технологиялари соҳаларини тубдан ўзгартириш, банкнинг моддий-техник базаси ҳамда инфратузилмасини кенгайтириш, **бозорда рақобатбардош банк сифатида фаолият юритиши** ва мижозларга янги ҳамда сифатли хизмат турларини тақдим этиш, **бизнес жараёнларни автоматлаштириш** каби мақсадлар белгилаб олинган.

Ҳар қандай ташкилот унинг фаолияти йўналишини белгиловчи, мазмун ва моҳиятини ёритиб берувчи ҳамда тартибга солиб турувчи миссияси бўлиши зарур. Банк ривожланишида нафақат ҳар бир ходимнинг, балки мижозларнинг ҳам банк миссияси ва унинг вазифаларини тушуниши муҳим ҳисобланади.

Банк миссияси - “Мамлакатнинг барча ҳудудларида мижозларга замонавий ва юқори самарали банк хизматларини тақдим этиш” ҳисобланади. Бу миссияга эришиш мақсадида қуйидаги вазифалар белгилаб олинган:

- аҳолининг кенг қатламларига микромолиялаштириш хизматларидан фойдаланишнинг қулай имкониятларини яратиш;
- янги корхоналар ташкил этишда бошланғич сармояни шакллантириш учун кредитлар ажратиш;
- аёллар тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш;
- ҳунармандчилик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини микромолиявий манбалар билан қўллаб-қувватлаш;
- филиаллар ва мини-банклар тизимини янада оптималлаштириш, уларнинг иш самарадорлигини ошириш;
- минимал харажатлар билан максимал натижаларга эришиш.

Банкнинг ривожланишида қуйидаги тамойилларга қатъий амал қилинади:

Эътиборлилик - банкдаги барча ўзгаришлар унинг хизматларидан фойдаланувчилари, ўз ходимлари фикри ва рақобатчилар фаолияти таҳлили асосида амалга оширилади.

Ҳамжихатлик - қўйилган вазифалар ва мақсадларга эришишда банк ходимлари “Биз бир оиламиз!” тамойили асосида бир ёқадан бош чиқариб фаолият юритади.

Кенг қамровлик - барча мижозларнинг банк хизматига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида универсал мини-банклар (экспресс-марказлар) ва онлайн хизматлар тармоқларини кенгайтириб боради.

Ҳамкорлик - банк одоб-ахлоқ, ишонч ва ҳурмат тамойилларига асосланиб, фаолиятнинг барча соҳаларида шерикчиликни ривожлантиради. Банкнинг ҳар бир ходими мижознинг бизнесини ривожлантиришга ва унинг фаровонлигини оширишга ёрдам беради.

Сифатлилик - банк молиялаштириш ва хизмат кўрсатиши учун стандартларни яратиб берадиган ҳар бир ишида энг юқори сифатни таъминлайди.

Банк ўз олдида қуйидаги йўналишларда ривожланишни мақсад қилиб олган:

- Актив ва мажбуриятларни бошқаришни такомиллаштириш;
- Банк кредит тизимини ривожлантириш ва портфель диверсификацияси;
- Масофавий хизматларни жорий қилиш ва бизнес-жараёнларни автоматлаштириш;
- Кўрсатиладиган хизматлар сифатини янада ошириш;
- Ходимларни бошқариш, улар малакасини ошириш;
- Банк таваккалчилигини бошқариш ва баҳолашни такомиллаштириш;
- Мижозларга ахборот ва консалтинг хизматлари кўрсатишни кенгайтириш, уларнинг молиявий саводхонлигини ошириш ҳамда уларга қулай банк хизматларини таклиф этиш.

Ушбу стратегияни ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлашдан энг асосий мақсад банкни молиявий барқарор, доимий фойда билан фаолият кўрсатувчи молия муассасасига айлантириш, уни республика банклари орасидаги **энг кучли 10 та (I тоифа) банклари қаторига киришини таъминлашдан** иборатдир.